

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

3-2017  
ИЮНЬ

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>О. АҲМАДЖОНОВА</b>	
“Чинор” романи композициясидаги ўзига хосликлар .....	64
<b>М. ЖҲРАЕВА</b>	
Бадиий адабиётда мутелик психологияси .....	66

#### ТИЛШУНОСЛИК

<b>Ш. ТОШХҲЖАЕВА</b>	
Бадиий нутқда риторик сўроқ гаплар ва уларнинг лингвопоэтик тадқиқи .....	69
<b>Э. ИБРАГИМОВА</b>	
Баҳонинг предмет ва белги ёрдамида ифодаланиши .....	73
<b>Г. РОЗИҚОВА, У. ФАРМОНОВА</b>	
Қўшма гапларга хос шакл ва мазмун номутаносиблиги .....	77
<b>В. АМАНОВ</b>	
Қадриятлар тизимида миллий, маданий ва лисоний дунёқараш .....	80
<b>Д. ЮЛДАШЕВА</b>	
Синтактик такрорларнинг бадиий-эстетик имкониятлари .....	83
<b>Н. ҒОФУРОВА</b>	
Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларида мақол ва маталларнинг лингво-когнитив асослари ва уларнинг структурал-семантик жиҳатлари .....	86
<b>Г. ЖҲРАБОЕВА</b>	
Тарихий топонимларнинг шаклланишида апеллятивларнинг ўрни .....	88
<b>Р. АҲРОРОВА</b>	
Тилнинг концепт доирасини ўрганиш муаммолари .....	92

#### ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>Ж. ОТАЖОНОВ, Ф. МАХМУДОВА, М. РАЙИМЖОНОВА</b>	
Бошланғич таълим педагогларининг педагогик жараёнда руҳий ёндашув масалалари .....	95
<b>Ҳ. ҒАНИЕВА</b>	
Таълим-тарбия жараёнида ўсмирлар хулқ-атворини намоён бўлишининг ижтимоий-психологик аспекти .....	98

#### ИЛМИЙ АҲБОРОТ

<b>М. АБДУМАННОПОВ</b>	
Интеграл операторлар қатнашган иккинчи тартибли ўзгармас коэффициентли дифференциал тенглама учун чегаравий масала .....	103
<b>Ш. ОХУНЖОНОВА</b>	
Оғзаки тарихни ёзма тарихга айлантириш жараёни ҳақида .....	106
<b>М. ОМОНОВ, З. БОТИРОВА</b>	
Арабча синиқ кўплик вазнидаги ўзлашма сўзлар ва уларнинг семантик хусусиятлари .....	109
<b>О. ҲУСАНХҲЖАЕВ</b>	
Мақолларда қиёслаш, зидлаш муносабатини ифодалашда сонларнинг аҳамияти .....	111
<b>Н. УРИНОВА</b>	
Бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий компетентликни шакллантириш йўллари .....	113
<b>Н. АБДУЛАЗИЗОВА</b>	
Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларида зарарли одатларнинг олдини олишнинг педагогик-психологик асослари .....	115

#### ҒАНИМИЗ ҒИДОЙИЛАРИ

Сўхлик биринчи олим .....	116
---------------------------	-----

#### ХОТИРА

<b>Мадаминбек Хотамович АҲМЕДОВ</b> .....	117
<b>Эркин Мўйдинович ТҲХТАСИНОВ</b> .....	117

УДК: 39/390+40

## ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИДА МИЛЛИЙ, МАДАНИЙ ВА ЛИСОНИЙ ДУНЁҚАРАШ

**В.Аманов**

### **Аннотация**

Ушбу мақолада миллий маданият халқнинг урф-одатлари, миллий маданий хусусиятлари ва тилда турли шаклларда акс этиши назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, миллий, маданий ва лисоний дунёқараш қадриятлар тизимидаги ўрни акс эттирилган.

### **Аннотация**

В этой статье даётся теоретический анализ проявления в языке национальных, культурных и языковых традиций. Как известно, национальный, культурный и лингвистический прогноз отражает роль системы ценностей.

### **Annotation**

This article provides a theoretical analysis of the manifestation in the language of national, cultural and linguistic traditions. As you know, the national, cultural and linguistic forecast reflects the role of the values system.

**Калим сўз ва иборалар:** тизим, маданият, қадрият, менталитет, дунё манзараси, дунёқараш, лисон, хулқ атеор.

**Ключевые слова и выражения:** система, культура, ценности, социум, мировоззрение, язык, языковая картина мира.

**Key words and expressions:** system, culture, the values, society, world outlook, language, language picture of the world.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон буюк келажак сари” асариди: “Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг йўли тўртта асосий негизга асосланган”, – дейилган. “Бу негизлар: умуминсоний қадриятларга содиқлик; халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши; ватанпарварлик” – деб белгилаб қўйилган [1.30].

Қадрият дейилганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган ва шу туфайли улар томонидан баҳолаиб қадрланадиган табиат ва жамият неъматлари ҳодисалари тушунилмоғи лозим.

Инсон бутун умри давомида сон - саноксиз қадриятлар оламида яшайди. Инсониятни ўраб турган борлиқ, табиий ва ижтимоий атроф-муҳит, тирик ва нотирик табиатнинг энг муҳим томонларини ифодалайдиган қадриятлар умумбашарият хусусиятга эгадир. Бундай қадриятлар жамият учун ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайдиган, абадий мутлақ ва муқаддас қадриятдир.

Қадрият тушунчасининг ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан таърифлари

кўпгина илмий адабиётларда турли хил ёндашувларнинг мавжудлигини, баъзан эса уларнинг бутунлай бир-бирини инкор этиш холлари ҳам учрайди.

Миллий маънавий қадриятлар кўп асрлик тарихга эга. Ўзбекистондаги тарихий обидалар, маданий ёдгорликлар ё урф-одат ва маросимларни таҳлил қилиш, буларнинг пайдо бўлиши жуда қадим замонларга бориб тақалишини кўрсатади. Масалан, “Авесто” бундан 2700 йил муқаддам 12 минг мол терисига олтин ҳарфлар билан битилган. Бу асар пайдо бўлиши учун ундан аввал ҳам камида неча минг йиллик давр ўтганлиги, теран ҳаётий тажриба ва ҳикматлар тўпланганлиги, шубҳасиз. Бу асар юксак маданий ҳаёт, фалсафа ва фан, ҳаттотлик ва муштарийлик ривожланиши натижасида яратилганлиги учун ҳам шу пайтгача ўз қимматини йўқотмади. Қадриятлар жамият тараққиётининг, моддий ва маънавий бойликлар ривожининг якуни, инсон камолотининг келажак учун ҳам катта аҳамият касб этадиган ижобий маҳсулидир. Энг олий қадрият инсондир. Инсон борлиги, унинг ҳаёти, яшаши энг асосий масаладир. Инсон ҳаёт бўлсагина табиат, бутун борлиқ, моддий ва маънавий маданият аҳамиятга эга бўлади [5].

Қадриятлар олами билиш ва уни амалий ўзгартиришнинг муҳим омилдир. Янги қадриятлар юзага

*В.Аманов – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллар университети испан тили кафедраси тадқиқотчиси.*

## ТИЛШУНОСЛИК

келиши инсоннинг объектив олам, маънавият борасидаги билимлари ворислик асосида давом этаётганининг ифодасидир [6.7].

Юртимизда она тилини ривожлантиришга, шу билан бир қаторда, чет тилларини ўрганиш тизимини янада яхшилашга қаратилган эътибор, айниқса, юксак эътирофга лойиқ.

Умуминсоний қадриятларга содиқлик, аввало, миллий қадриятларга садоқат мезони билан ўлчанади. Зеро ўз қадрини билмаган фарзанд ўзганинг қадрига етмайди. Халқ оғзаки ижодидаги асарларда эса айнан ана шу гоё ўз ифодасини топган.

Тил – миллатнинг улкан бойлиги, бебаҳо мулки, ҳар бир халқнинг маданияти ва тарихидир. Тил – миллат қалби. Тил бор – миллат яшайди. Шундай экан, миллатини севган ҳар бир инсон тилининг тақдирига бепарво қараб туrolмайди.

Истиқлол халқимизга сўз ва фикр эркинлиги билан бир қаторда, илгари тақиқланиб келинган кўпгина миллий тушунчаларни ҳам ҳаётимизга қайтарди. Эндиликда «қадриятлар», «мустақиллик», «истиқлол», «миллий ифтихор» каби тушунчалар ўзининг асл мазмунига эга бўлмоқда.

Маълумки, ҳар бир сўзда реал оламнинг бирор бир ҳодисаси ёки предмети мужассамдир. Бу мавзунини муҳокама қилиш замирида объектив реалликнинг бирор предмети ёки ҳодисаси ҳақида сўз борар экан, ушбу тезисни яна ва яна такрорлаш жоиздир: тил – атроф оламнинг кўзгуси, у объектив реалликни ўзида акс эттиради ва шу тилда сўзлашадиган ҳар бир халққа, этник гуруҳга, нутқ жамоасига хос бўлган бетакрор ва ягона дунёқарашни яратади. Тил кўзгу билан ҳақли равишда қиёсланади; унда ҳақиқатан ҳам атроф олам акс этади. Тилда ҳамма нарса: география, иқлим, тарих, ҳаёт шароити, жамият аъзоларининг ўзаро муносабатлари, аҳолининг турмуш тарзи ўз аксини топади.

Аммо олам ва тил орасида фикрловчи субъект, яъни ушбу тилда сўзлашувчи инсон туради. Инсон ва тил орасидаги ўзаро узвий боғлиқликнинг мавжудлиги кишида ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди. Тил – инсонлар орасидаги мулоқот воситаси, ундан мулоқот воситаси сифатида фойдаланадиган жамиятнинг турмуш тарзи ва ривожини билан чамбарчас боғлиқдир.

Менталитет атамаси (лотинча *mentalis* – “ақлий” сўздан) одамларнинг катта гуруҳларига хос дунёни қабул қилишнинг

ўзгача ва барқарор усулини таърифлайди, у инсоннинг атроф-муҳит феноменларига муносабатини белгилайди. Менталитет ҳаётнинг, хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатларнинг турли жиҳатларига бўлган шахсий ва жамоавий муносабатларнинг туб асосларини тавсифлайди. Менталитет “шахсий ва ижтимоий оннинг критериял асосидан иборат”, – дея таъкидлаш ҳам мумкин [4.57-58]. Шу жиҳатдан, муайян шахс даражасидаги *индивидуал менталитет*, гуруҳлар, жамоалар, ҳамжамиятлар миқёсидаги *ижтимоий менталитет* ва ўз таркибига кирувчи барча гуруҳ, жамоа ва ҳамжамиятларни билаштирувчи жамият, яъни бутун халқ даражасидаги *социумга хос менталитет*ни фарқлаш тақлиф этилади [3.142]. Шу муносабат билан А.П. Седих менталитет тушунчасини “муайян лингвомаданий жамият учун хос бўлган оннинг когнитив стереотиплари (қолип тушунчалари) бирлиги билан белгиланадиган воқеликни қабул қилиш ва тушуниш усулидир”, – деб таърифлайди.

А.Ф. Валеева “миллий менталитет – бу, миллатнинг когнитив стереотиплари мажмуи билан белгиланадиган воқеликни қабул қилиш ва тушунишнинг миллий усулидир”, – дейди [2.44].

Тадқиқотчилар менталитет ва маданият нисбати, миллий фикрлаш парадигмасининг этник жамиятнинг муайян турмуш тарзи билан боғлиқлигига кўпроқ эътибор бермоқдалар. Кейинги пайтларда экспериментал усул билан тасдиқланишича, “миллий тил фикрлашнинг базавий омилдир, бошқача айтганда, она тили унинг эгаларига тилга оид аниқ одатлар воситасида фикрларни баён этишнинг муайян усулидан фойдаланиш имкониятини тақдим этади” [7.87-88].

Миллий қадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, келажаги, авлоди, ижтимоий қатлами, миллий онги, тили, маънавияти ҳамда маданияти билан узвий боғлиқ. Ҳар бир халқ томонидан ўзининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида географик, иқлим, тархий ва бошқа шароитлардан келиб чиқиб ишлаб чиқиладиган миллий қадриятлар ўта муҳим аҳамият касб этади [8.63].

Лингвистик таҳлил учун қадрият тушунчасини инсонларнинг берилган жамоаси учун кўп асрлар, балки минг йилликлар давомида мослаштириладиган ва жамият ҳаётининг барча вазиятларида ўзига хос миллий хусусиятларини сақловчи омил сифатида таърифланиши қулай келади.

Фақатгина ўз миллий қадриятларини сақлаб қолган ва бир вақтнинг ўзида макон ва замонда ўзининг фикрловчи инсоният билан бирлигини ҳис қилувчи инсонгина энг мақбул қарорлар қабул қилишга қодир. Фақат шундай инсонгина миллат ва бутун инсониятнинг муаммоларини тушунади ва ўз давлати ва миллатига идентификацион кодни сақлаб қолишга кўмак кўрсатиши мумкин.

Миллий қадриятларини сингдириш аввалом бор тил имкониятлари орқали амалга ошади, албатта.

Ҳар бир фан тилни ўз нуқтаи назаридан тасвирлайди. Масалан, маданиятшуносликка оид адабиётларда тилнинг моҳияти кўпинча куйидагича изоҳланади:

– тил нафақат инсонни қуршаб турган реал олам, балки у халқнинг менталитети, унинг миллий характери, одатлари, анъаналари, мантиқи, хулқ-атворлар тизими, дунёқараши ҳам акс этадиган маданият ойнасидир;

– тил – маданият хазинаси, чунки у ёки бу халқ орқали йиғилган моддий ва маънавий қадриятлар, билим, қобилиятлар тил тизимида, яъни халқ оғзаки ижодида, китобларда, оғзаки ва ёзма нутқда сақланади;

– тил маданият ташувчисидир, чунки айнан тил орқали маданият авлоддан-авлодга

ўтади. Болалар она тилини ўрганиш жараёнида у билан бирга аجدодларидан қолган ҳаётий тажриба, анъана ва урф-одатларни ҳам ўзлаштира борадилар;

– тил менталитет, анъана ва одатларни ҳамда ўзига хос оламни тушуниш усулини айнан тил орқали қабул қиладиган инсонни шакллантирувчи қуролдир.

Турли илмий адабиётларда юқоридаги каби тилнинг турлича тавсифларини учратиш мумкин, аммо уларнинг барчаси бир ғояни ифода этади, яъни *тил фикр билдириш, мулоқот воситасидир*. Албатта, унинг бошқа вазибалари ҳам йўқ эмас, лекин булар энг асосийлари деб эътироф этилади.

Миллий ва лисоний дунёқарашнинг табиати тўғрисидаги мулоҳазалардан муҳим методик хулоса келиб чиқади: бирор тилни ўзлаштириш жараёни этнос сифатида ўзининг борлиқни тушуниш усули, миллий лисоний дунёқараши, ўзи томонидан яратилган моддий ва маънавий маданияти, ўз менталитети, ўз анъана ва одатларига эга бўлган халқнинг моддий ва маънавий маданиятини ўрганиш билан боғлаш зарур, бу ўз навбатида тилнинг грамматик қурилиши ва лексик таркиби хусусиятларини чуқурроқ тушунишга ёрдам беради.

#### Адабиётлар:

1. Каримов И. А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Валеева А.Ф. Языковое поведение в полиэтническом обществе (социологическая диверсификативность). – Саратов: Из-во Саратовск. ун-та, 2003.
3. Гершунский Б. С. Ментальность и образование: учебное пособие для студ. – М.: Ин-т. Прак. Псих, 1996.
4. Леонтьев А. А. Психолнгвистические единицы порождения речевого высказывания. – М.: Наука, 1969.
5. Машарипова Г. Миллий қадриятлар ва уларнинг ижтимоий тараққиётда сайқалланиши [www.titli.uz/index.php?option=com\\_mtree](http://www.titli.uz/index.php?option=com_mtree).
6. Назаров Ҳ. Аксиология, қадриятлар фалсафаси. –Т.: Маънавият, 1998.
7. Седых А. П. Языковая личность и этнос (национально –культурные особенности коммуникативного поведения русских и французов). – М.: Компания Спутник+, 2004.
8. Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот воситаларида нутқ маданияти. – Тошкент., 2012.

(Тақризчи: М.Ҳакимов, филология фанлари доктори).